



## Эй, бола, «бисмиллоҳ» деб, ўнг қўлинг билан ва ўзингнинг олдингдан егин!

Умар бин Абу Салама разияллоҳу анҳудан ривоят: «Мен ёш бола пайтимда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қучоғида - товоқнинг ҳар еридан овқатни олиб - ўтирган эдим. Шунда Аллоҳнинг расули менга қараб: «Эй, бола, «бисмиллоҳ» деб, ўнг қўлинг билан ва ўзингнинг олдингдан егин!» - дедилар. Кейин мен худди ўшандай овқатланадиган бўлдим».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Умар ибн Абу Салама разияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллари Умму Салама разияллоҳу анҳонинг ўғиллари Пайғамбаримизнинг қўллари остида тарбияланар эди. Улар овқат пайтида идишнинг ҳар томонига қўлларини югуртирганларида Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишига овқатнинг уч одобини ўргатдилар. Биринчи: овқат олдидан «бисмиллаҳ», деб айтиш. Иккинчи: Ўнг қўл билан ейиш. Учинчи: Овқатни ўзига яқин томонидан ейиш.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/58120>

